

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi
**ЁШЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШДА МИЛЛИЙ
ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ**

*Термиз Педагогика Институти Фалсафа ва ма'навият асослари
кафедраси уқитувчиси
Шайманов Фозилбек Толкин угли.*

Тел: +998903559296

Gmail: fozil.9296.shaymanov@gmail.com

Аннотация: Маълумки, ҳар қандай ислоҳот, хусусан, миллионлаб ёшларнинг ҳаёти ва келажагига бевосита дахлдор бўлган ўзгаришилар ҳар томонлама чуқур ўйлаб иши тутишини, етти ўлчаб, бир кесишини талаб этади. Шу нуқтаи назардан биз бугун янги ислоҳотларни амалга оширмоқчи эканмиз, шошилмасдан, тизимлилик билан иши кўришимиз, бу масаланинг барча ижобий ва салбий томонларини ўзимизга яққол тасаввур қилиб, шундан кейин бир хулоса ва қарорга келишимиз лозим.

Мустақиллик даврида мамлакатимизда маънавий баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг қизиқиши ва эҳтиёжларини таъминлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиб беришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Бу борада ёшларни сиёсий-ижтимоий жараёнларга янада кенгроқ жалб қилиш, уларнинг ислоҳотлардаги фаоллигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бизнинг навқирон авлодимиз манфаатларини таъминлаш борасидаги фаолиятимиз яқинда қабул қилинган “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонун асосида қатъий давом эттирилади¹.

Мазкур соҳадаги жараёнлар қуидаги тенденциялар билан белгиланади:

¹ Мирзиёев Ш.М. Қонун устунлиги ва инсон манфаатлари таъминлаш – юрт тараққиёти ва ҳалқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 24 йиллигиги бағишиланган тантанали маросимдаги маъруза. 2016 й 7-декабрь. – Тошкент, 2017.

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

Биринчидан, янги асрга келиб, ёшларга муносабат масаласида дунё тараққиёти учун умумий бўлган қонуниятнинг мавжудлиги аён бўлди, яъни, ёшлар энди нисбатан устувор аҳамиятга эга шахсдан жамият тараққиётини белгилайдиган, уни амалга оширадиган етакчи кучга айланмоқда;

Иккинчидан, ёшларнинг интеллектуал қобилиятлари, касбий малакаси, маънан ва руҳан баркамоллик каби ижтимоий сифатлари бутун жамиятнинг ривожланиш даражасига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Учинчидан, бундай тенденциялар ёшларнинг алоҳида ижтимоий демографик қатлам сифатида жамият ҳаётининг фаол субъектига айланиб бораётганини кўрсатади.

Бу жараёнларни ёшлар фаоллиги билан боғлайдиган бўлсак, демократик жараёнлар ёшларнинг сиёсий ҳаётдаги иштирокини кафолатлайди, ёшлар манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликларининг тўла даражада рўёбга чиқишига кўмаклашади, фаоллигини оширади.

Маълумки, ҳар қандай ислоҳот, хусусан, миллионлаб ёшларнинг ҳаёти ва келажагига бевосита дахлдор бўлган ўзгаришлар ҳар томонлама чуқур ўйлаб иш тутишни, етти ўлчаб, бир кесишни талаб этади. Шу нуқтаи назардан биз бугун янги ислоҳотларни амалга оширмоқчи эканмиз, шошилмасдан, тизимлилик билан иш кўришимиз, бу масаланинг барча ижобий ва салбий томонларини ўзимизга яққол тасаввур қилиб, шундан кейин бир хулоса ва қарорга келишимиз лозим. Бу борада аввало бўлғуси ғояларнинг ҳуқуқий мақоми, асосий мақсад ва вазифалари, унинг ижтимоий ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузини, обрў-эътиборини оширишга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ёшлар масалаларига тўхталиб ўтар экан: “Таълим ва маърифат тизимини такомиллаштириш, мамлақатимиз келажаги бўлган ёшларни замонавий билим олишга йўналтириш, уларни қизиқишлирини эътиборга олиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш – давлат ва жамият олдида турган энг

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

муҳим вазифадир”², деб таъкидлаганлари ҳам бежис эмас.

Ёшларнинг умумий томони шундан иборатки, улар ўзларининг ёш хусусиятлари, ҳаётда ўз ўрнига эга бўлишга бўлган интилишлари, дунёқараши билан бир-бирларига яқин турадилар. Уларнинг ижтимоий - ҳаётий тажрибалари ҳам ўзига яраша ҳали тўлиқ шаклланмаган, улар ижтимоий ҳимояга муҳтож қатlam сифатида ўзига хос хусусиятларга эга. Ёшлар жамият ҳаётида маданият тизими орқали ҳам фаолликларини намоён этадилар.

Айрим ёшлар ўзини идора қилишда миллий қадриятларга мурожаат қилмайдилар, балки бегона оммавий маданият таъсири остига тушиб қолмоқдалар. Шунинг учун ҳам уларда ўзгача идеаллар, ўзига хос субмаданият шаклланади. Энг муҳими шуки, айрим ёшларнинг бўш вақтларини ташкил қилиш ва ўтказишлари таълим ҳамда маданият идораларидан ташқарида амалга оширилади. Аксарият ҳолларда, ёшлар бўш вақтларини телевизор томоша қилиб ўтказишар экан. Телевидение - эндиғина шаклланаётган ёшлар онгига катта таъсир кўрсатадиган восита. Афсуски, мазкур таъсир ҳамма вақт ҳам факат ахлоқий қадриятлар асосида қурилмайди. Айнан шу сабабдан ҳам, бугунги қунда ёшларимизни миллий қадриятлар асосида тарбиялаш масаласи муҳим аҳамият касб этмоқда. Ёшлар интеллектуал элитасининг сиёсий маданияти, ижтимоий онги ва дунёқараши фаоллиги орқали ўз ифодасини топади десак муболаға бўлмайди. Даврнинг руҳи акс этган ва танқидий мулоҳазалар билан бир қаторда, ўз соҳаси муаммолари билан боғлиқ профессионал ёндашувлар ҳам борлиги ёшларнинг жамиятдаги жараёнларга ҳам ижтимоий ва ҳам профессионал масъулият нуқтаи назаридан ёндашувининг ифодасидир.

Бозор муносабатларига ўтиш жамият маънавий ҳаётининг юксак даражада бўлишини, инсоннинг ғоявий, сиёсий, ҳуқуқий, маданий-маънавий, маърифий этуклигини тақозо этадиган тарихий заруриятдир. Халқнинг

² Мирзиёев.Ш.М. “Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз”.- Тошкент: Ўзбекистон, 2017. 31-б.

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

маънавий-рухий етуклиги бозор иқтисодиётига ўтишни таъминлашнинг энг муҳим омилларидан биридир.³

Демак, ёшлар, онг ва тафаккури, дунёқарашининг ўзгариши бу шунчаки талаб эмас, ҳозирги давр, Мустақилликнинг талабидир. У Ўзбекистон олдида турган эркин, демократик, фуқаролик жамияти қуриш вазифалари билан бевосита боғлиқ.

Ёшлар фаоллигини оширишда фалсафий тафуккурнинг ўрни қўйидаги омиллар билан бевосита боғлиқ:

1) ҳар бир жойда ёшларнинг табиий ҳолати, ёшларнинг таркиби, ҳамда ёшларнинг мақсад ва қизиқишлари;

2) ёшларнинг фаоллик хусусиятлари, ишлаб чиқариш тармоқлари, уларнинг ривожланганлик даражаси ва ёшлар бандлиги;

3) ҳалқнинг тарихий қадриятлари тизими ва миллий маданият анъаналарига муносабати;

4) ёшларнинг тафаккур тарзи, ёшларнинг ҳаётй тасаввурлари, унинг меъёрлари;

5) ёшларнинг билиш даражаси, тили, ёшларнинг сиёсий онг ва маданияти;

6) ёшларнинг ўзларини англаш даражалари ва бошқа кўпгина шартшароитлар, омиллар билан боғлиқликда намоён бўлади.

Ёшлар онг ва тафаккурининг, дунёқарашининг ўзгариши ижтимоий ҳаёт тарзини янгиланиб боришига бевосита таъсир кўрсатади, ижтимоий тараққиётнинг боришини белгилаб беради, онг ва тафаккур ўзгармаса ҳаёт ўзгармайди. Ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар ёшлар дунёқараши, онг ва тафаккури учун ўзига хос янгича муҳит яратиб беради. Ёшлар бу ўзгаришлар талабини қанчалик чуқурроқ англаб борсалар, улар ўзларини ҳам, эртанги кунларини ҳам шунчалик кафолатлаб берадилар, ижтимоий ҳаётга фаолроқ иштирок этадилар.

³ Рустамова М. Ёшларда тафаккур маданиятини шакллантиришнинг фалсафий жиҳатлари. - Т.: Мехнат, 2000. 45 б.

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ёшлар дунёқараши, онг ва тафаккурининг қандай бўлиши қўпгина ташқи омилларга бевосита боғлик бўлиб, улар бир-бирини тақоза этади. Онг ва тафаккурдаги ўзгаришлар дунёқарашнинг янгиланиши учун асос бўлса, ижтимоий ҳаётдаги янгиланишлар кўп жиҳатдан ана шу ўзгаришларга боғлик бўлиб қолади. Бунда дунёқарашиб, онг ва тафаккурининг узвий боғлиқлиги ижтимоий ҳаёт билан ўзаро муносабатда содир бўлади.